

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ ҲАБИБУЛЛО ИБОДУЛЛАЕВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИ
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Ражабов Ҳабибулло Ибодуллаевич

Глобаллашув шароитида давлатнинг ахборот сиёсати

(Ўзбекистон Республикаси мисолида)..... 3

Ражабов Ҳабибулло Ибодуллаевич

Государственная информационная политика в условиях глобализации

(на примере Республики Узбекистан)..... 21

Rajabov Khabibullo Ibodullaevich

The information policy of the government in globalization condition

(sample of Uzbekistan Republic)..... 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work..... 44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ ҲАБИБУЛЛО ИБОДУЛЛАЕВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИ
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Siyos96 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.sf-ik.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимардонов Тўлқин Турдиевич
сиёсий фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Гаибназаров Шўҳрат Гаибназарович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Қудратходжаев Шерзодхон Тождинович
сиёсий фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети, 5-қават, 511-хона. Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-Ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел: (99871) 246-02-04

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Ташанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.д.

А.Муминов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги даврда жаҳон мамлакатлари ўртасидаги тафовут, номутаносибликнинг тобора кучайиб боришида ахборот омилининг таъсири ортиб бормоқда. Ахборот узатиш, алмашилиш ва қабул қилиш жараёнида тезкорлик, аниқлик, сифат ва таъсирчанликни таъминлаш, ахборотнинг давлат сиёсати даражасида кенг ёйилиши имкониятларини сиёсий нуқтаи-назардан ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ахборот сиёсатининг мунтазамлик, тезкорлик, ҳаммабоплик, тўлалик, тенг ҳуқуқлик, мувозанатга келтирилганлик, ахборот ресурсларининг ҳимояланганлиги каби принциплари давлат ва жамиятнинг сиёсий барқарорлигини таъминлашда устувор ўринни эгалламоқда.

Жаҳон миқёсида ахборот ва телекоммуникация тизимларининг жадал суръатлар билан ривожланиб бориши оқибатида ички ва ташқи сиёсат ўртасидаги чегаралар янгича маъно-мазмун касб этмоқда. Бу эса миллий хавфсизликни таъминлаш борасида янгидан-янги услуб ва воситаларни яратиш, уни таъминловчи сиёсий механизмларни шакллантириш ҳамда соҳага доир тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Зеро, техникавий, технологик коммуникация ахборот ва бошқа соҳалардаги глобал жараёнлардан ривожланган мамлакатлар асосан ўз сиёсий манфаатларини амалга ошириш йўлида фойдаланаётганини назарда тутсак, масалани сиёсий фанлар ракурсида ўрганиш зарурати юзага чиқади.

Ўзбекистонда шаклланган янги сиёсий элита ахборотлашган жамиятнинг талабларига мос равишда ривожланиш ташаббусини илгари сурмоқда. Мамлакатимизда асосий давлат хизматлари электрон кўринишга ўтказилиб, давлат томонидан онлайн хизматлари кўрсатиш турлари ортмоқда. Бу эса ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг янги услубларини излаш билан бирга, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг шаффофлигини, очиқлигини таъминлаш, уларнинг халқ билан мулоқотини янги босқичга олиб чиқиш, масалаларини тадқиқ этишни шартлаб қўяди. Соҳага ихтисослашган институтлар фаолиятини янада такомиллаштиришда жумладан, электрон ҳукумат, матбуот хизматлари, информацион тармоқларни кенгайтиришда давлат бошқаруви органлари томонидан олиб борилаётган ахборот сиёсатидаги муаммолар мавзунинг долзарблик даражасини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-560-II-сон «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, 2014 йил 5 майдаги ЎРҚ-369-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-395-сон «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва соҳага оид бошқа қонун

ҳужжатларининг ижросини амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Глобаллашув ходисаси ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муҳим жараён сифатида кўплаб олимлар, тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини жалб этган масаладир. Айниқса, ушбу жараёнда давлатнинг ахборот сиёсати, унинг ўзига хос хусусиятлари, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролига бағишланган бир қатор асарлар яратилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида яратилган асарларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳамда мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг демократик тараққиёт шароитида тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда ахборот омили, оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти, демократлаштириш шароитида давлат ва халқ мулоқоти, ғоявий кураш шароитида давлатнинг олдида турган вазифалари ҳақида яратилган концептуал асарлари киради.¹ Ушбу асарлар шуниси билан аҳамиятлики, улар диссертация ишининг фундаментал-назарий асосини ташкил этса, соҳага тегишли қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, қарорлари ва бошқа

¹Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент.: Ўзбекистон, 2016; Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз. - Тошкент.: Ўзбекистон 2016; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент.:Ўзбекистон. 2017; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент.: Ўзбекистон 2017; Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. - Тошкент.: Ўзбекистон, 2018; Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. 2002 йил 26 июнь //Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент.:Ўзбекистон, 2002. –Б. 393-396; Каримов И.А. Ёвуз кучлар халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди. (Ўзбекистон телевидениеси учун берилган интервью, 2004 йил 29 март) //Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент.:Ўзбекистон, 2004. –Б. 238-242; Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. 2004 йил 26 июнь. Каримов И.А. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди. 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган матбуот анжуманидаги баёнот ва мухбирларнинг саволларига жавоблар //Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Тошкент:Ўзбекистон, 2005. – Б. 306 – 368; Каримов И.А. Ҳақиқат – журналистиканинг доимий, ўзгармас қоидаси ва унга амал қилиш шарт. 2005 йил 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманидаги баёноти ва мухбирларнинг саволларига жавоблар.

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқотнинг меъёрий, ҳуқуқий ва услубий базаси бўлиб хизмат қилади.

Масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, глобаллашув ҳодисаси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илмий тадқиқотлар объектига айлана бошлади. Шу боис, ахборот сиёсатининг айнан глобаллашув таъсирида шаклланиши ҳам нисбатан янги мавзу ҳисобланади. Таниқли Ғарб олимларидан Э.Гидденс, Э.Тоффлер, С.Хантингтон, Ф.Фукуяма, Д.Холмс, П.Химанен ва М.Кастелс каби мутахассислар ўз изланишларида ахборотлашган жамиятнинг вужудга келиши, бундай жамиятларнинг ривожланиш тенденцияларини кенг ёритиб берганлар. Ғарб олимларининг ушбу илмий муаммоларга бағишланган асарларини иккинчи гуруҳ адабиётлар сифатида эътироф этиш мумкин¹.

Учинчи гуруҳга мансуб адабиётлар сифатида бугун кунда МДХ ҳамда бошқа хорижий мамлакатларда глобаллашувнинг мазмун моҳиятини ифодаловчи асарлари билан танилган олимларнинг изланишларини киритиш мумкин. Хусусан, Ю.Нисневич, А.Девятов, И.Ильин, А.Урсул, Х.Малик, П.Морозов, Э.Брандман, Ю.Хабермас, А.Манойло, М.Абрамсон, Д.Гарсон, М.Уотерс, И.Жералд каби олимлар ўз асарларида глобаллашув жараёнининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири, глобал тараққиёт ва умуминсоний муаммолар, глобаллашув шароитида ахборот ва ҳокимиятнинг ўзаро муносабати масалалари, давлатнинг ахборот сиёсати ҳамда унинг стратегик жиҳатлари масалаларига эътибор қаратганлар.²

Глобаллашув ҳодисасини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш юртимизнинг бир қатор нуфузли олимлари ва тадқиқотчилари эътиборидан ҳам четда қолмаган. Айнан ўзбекистонлик олимларнинг мавзуга доир тадқиқот ишлари тўртинчи гуруҳ адабиётларини ташкил этади. Хусусан, Т.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, Р.Джумаев, И.Эргашев, С.Отамуродов, Н.Жўраев,

¹ Гидденс Э. Устройство общества. Очерк теории структуризации. М. Академический проект 2018г. 528 с. Тоффлер Э. Третья волна. Москва. АСТ 2010. 795 с.; Тоффлер Э. Революционное богатство. Серия: "Philosophy". Москва. АСТ. 2008. 570 с.; Тоффлер Э. Война и антивоина. Что такое война и как с ней бороться. Как выжить на рассвете XXI века. Серия PHILOSOPHY. Москва. АСТ. 2005. 416 с.; Бжезинский З. Великая шахматная доска. Серия: Эксклюзивная классика Москва. Из-во АСТ 2018. 384 с.

² Малик, Халид Доклад о человеческом развитии 2013. Возвышение Юга. Человеческий прогресс в многообразном мире / Халид Малик. - М.: Весь Мир, 2013. - 212 с. Мегаполисы в условиях глобализации. - М.: ИНИОН РАН, 2008. - 178 с. Морозов, П. Е. Современные тенденции развития зарубежного трудового права в условиях глобализации / П.Е. Морозов. - М.: Проспект, 2016. - 252 с. Пашенцев, Е. Н. Коммуникационный менеджмент и стратегическая коммуникация. Современные технологии глобального влияния и управления: моногр. / Е.Н. Пашенцев. - М.: Международный центр социально-политических исследований и консалтинга, Сам Полиграфист, 2014. - 480 с. Региональные аспекты экономической безопасности страны в условиях глобализации / О.Н. Чувилова и др. - М.: Проспект, 2016. - 815 с. Швец Д.Ю. Информационная безопасность России и современные международные отношения. - М.: Мир безопасности, 2001; Habermas J. The Theory of communicative action. - London: 1984; Black S. Essentials of Public Relations. - London: 1994; Watts D. Political communication Today. - London: Manchester etc, 1997 Манойло А.В. Сирийский тупик «Арабской весны». // Вестн. Моск. Ун-та. Сер. 12. Политические науки. 2013. №6. С. 49-56. Манойло А.В. Специфика цветных революций «Арабской весны». // Известия Уральск. Федерального Ун-та. Сер. 3. Общественные науки. 2013. №3. С. 30-36. Манойло А.В. Политические конфликты в международных отношениях и мировой политике. // Мир и Политика. 2013. №2. С. 71-82. Манойло А.В. Глобальная нестабильность на пороге новой большой войны. // Мир и политика. - 2012.-№12. - С. 87-89. Курилкин А.В. Современные подходы к ведению информационных войн // Международные отношения. - 2014. - 1. - С. 75 - 80. DOI: 10.7256/2305-560X.2014.1.10063.

Ш.Ғойибназаров, А.Муминов, А.Эркаев, Ҳ.Дўстмуҳаммад, Т.Алимардонов, У.Идиоров, А.Қодиров, Р.Самаров, Ш.Қудратхўжаев, С.Ғафуров, Ф.Мўминов, Ш.Муродова, ва бошқалар ўз асарларида глобаллашувнинг моҳияти, глобал таракқиёт шароитида миллат, глобаллашув зиддиятлари, маданиятлараро мулоқот шароитида глобаллашувнинг ўрни, глобаллашув ва минтақавийликнинг ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда, хавфсизлигини таъминлашда ахборот омилининг ўрни, сиёсий жараёнларни мувофиқлаштиришда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари таҳлил этилган.¹

Ўрганилган адабиётлар, ахборот манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, глобаллашув шароитида давлатнинг ахборот сиёсати муаммоси айнан Ўзбекистон мисолида сиёсий фанлар доирасида алоҳида мавзу сифатида тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент Темир йўл муҳандислари институти илмий-тадқиқотлар режасининг «Маънавият ва унинг демократик жамият куришдаги ўрни ва роли» номли тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув шароитида давлатнинг ахборот сиёсатининг назарий методологик асосларини ўрганиш ҳамда Ўзбекистонда давлатнинг ахборот сиёсатини ривожлантиришнинг янада самарали чора ва воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«глобаллашув» ва «давлатнинг ахборот сиёсати» тушунчалари мазмунини ўрганишда мавжуд ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш;

глобаллашув шароитида давлатнинг ахборот сиёсати замонавий тизимини аниқлаш ва асосий сиёсий институтлар ажратиб кўрсатилган ҳолда унинг тузилишини таклиф этиш;

давлатнинг ахборот сиёсати, давлат оммавий ахборотларининг бошқа воситаларини шакллантиришда давлатнинг самарали иштирок этишининг сиёсий хусусиятларини очиб бериш;

ахборот маконида миллий манфаатларни ҳимоялаш муаммосини тизимли таҳлил қилиш ва бу борадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш;

давлатнинг ахборот сиёсатига таъсир қилувчи асосий омил сифатида геосиёсий рақобат муҳитини тадқиқ этиш;

¹ Жўраев Т., Ақобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик. – Тошкент.:Академия, 2007; Пахрутдинов Ш. Таҳдид - ҳалокатли куч. - Тошкент.:Академия, 2001; Джумаев Р. ва бошқ. “Сиёсий ислохотлар стратегияси” - Тошкент.: Академия, 2010.; Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент.:Янги аср авлоди, 2008; Ҳасанов Б. Фуқаролик жамиятининг таянчи //Тафаккур. 2017. - №4; Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Тошкент.:Маънавият, 2006; Хоназаров Қ. Глобаллашув ва тиллар. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2017. - №3; Очилов Ж. Техноген цивилизация трансформацияси ва глобаллашуви. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2017. - №2 Алимардонов Т. Шахс тақдири – миллат тақдири. Тафаккур.2015. - №4 Х.Дўстмуҳаммад. Мулоқот замиридаги ҳикмат//Тафаккур.2017. - №3; Умарова Н. Электрон ҳуқуқат: муаммо ва ечимлар// Тафаккур.2016. - №1, Қодиров Б. Ахборот оқими ва ёшлар маънавияти.// Тафаккур.2015. - №2, Раҳимова Ш. Ахборотлашган жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари.// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2017. - №2.

глобаллашув шароитида кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни эмпирик маълумотлар асосида таҳлил этиш ҳамда миллий ахборот маконининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

геосиёсий рақобатнинг ахборот маконида намоён бўлиши туфайли Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот сиёсатининг самарадорлигини, мақсад ва вазифаларини, тамойил ва йўналишларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объектини глобаллашув шароитида давлатнинг ахборот сиёсати ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикасининг давлат ахборот сиёсатини амалга ошириш механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, структуравий-функционал таҳлил, институционал ёндашув, қиёсий таҳлил, психологик ёндашув, стратегик таҳлил, тарихийлик методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

глобаллашган ахборот маконида ахборот сиёсатининг миллий хусусиятлардан узилиб қолмаслиги ва глобал ахборот ресурсларидан фойдаланишда маънавий мезонлар устуворлигининг зарурати асосланган;

глобаллашув шароитида шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг ахборот сиёсатини такомиллаштириш механизмларининг функционал, инструментал жиҳатлари асослаб берилган;

давлатнинг ахборот сиёсатидаги миллийлик, фуқаровий бирлик ва умуминсонийлик тамойилларининг давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини оширишга таъсири очиб берилган;

ахборот сиёсатини самарали амалга ошириш борасида қонунчиликка «ахборот сиёсати» тушунчасини киритиш, давлатнинг «ахборот сиёсати концепцияси»ни яратиш зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«глобаллашув» ва «давлатнинг ахборот сиёсати» тушунчаларининг ўзига хос жиҳатлари ривожланган давлатларнинг тажрибалари, сиёсатшунос олимларининг қарашларини қиёсий таҳлил қилиш асосида очиб берилган;

давлатнинг ахборот сиёсатини тушунтиришда унинг манбаларини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш, мавжуд сиёсий ёндашувларни такомиллаштириш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

давлат ахборот сиёсатининг муҳим жиҳати сифатида фуқаролар, жамоалар ва давлатларнинг ахборотга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ҳуқуқий-сиёсий нормаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмлари ёритилган;

Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партиялар, ахборот майдонидаги хавфсизликни таъминлаш билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасалар иш режалари, ўқув дастурлари ва бошқа ахборот-таҳлилий ҳужжатларини

тайёрлаш, ёшлар учун ташкил қилинадиган ўқувлар, давра суҳбатларини ташкил қилишда улар фаолиятини такомиллаштиришга доир илмий-амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган манбалар, уларни илмий муомалага олиб кириш, ишдан олинган натижаларнинг асосланганлиги ва маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациядаги асосий хулосалар, илгари сурилган фикрлар, тавсия ва ёндашувлар сиёсатшунослик, фалсафа, социология, Миллий ғоя, маънавият асослари каби илм соҳаларини бойитади. Илгари сурилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида самарали ахборот сиёсатини олиб боришда, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ОАВ фаолияти, шунингдек ахборот тарқатиш учун масъул муассаса ва ташкилотлар фаолиятида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув шароитида давлатнинг ахборот сиёсати муаммоларини ўрганиш натижасида олинган хулосалар ва таклифлар асосида:

глобаллашув шароитида ахборот сиёсатига замонавий ёндашув эҳтиёжи, ахборот маконида миллий манфаатларни химоялаш объектив зарурат эканлиги ва ахборот сиёсатининг самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш мамлакатнинг бутун сиёсий тизими модернизациялашувига хизмат қилиши билан боғлиқ таклиф ва хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказида бажарилаётган ПЗ-20170930369 шифрли «Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашишнинг замонавий механизм ва технологияларини яратиш» мавзусидаги давлат грантининг амалга оширилишида фойдаланилди (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 20 июлдаги 01/09-846-сон маълумотномаси). Натижада марказнинг «Интернет майдонидаги маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашишнинг усуллари» мавзусида туркум ҳудудий ва масофавий семинар-тренинглари, ахборот сиёсатининг самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар ва чора-тадбирларнинг самарадорлиги ортган;

мамлакатимизда ахборот сиёсатини амалга оширишнинг самарали механизмлари, мавжуд қонунчилик базасини такомиллаштириш, ахборот сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, унинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялари Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2018-2021 йиллардаги ривожланиш дастурига киритилди. Мамлакатимиз қонунчилигида «Ахборот сиёсати»

тушунчаси ўзининг тўлиқ юридик ифодасини топмаганлиги, ҳозирги даврга қадар ахборот сиёсатида «ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати» сифатида қаралиб келинган. Давлатнинг «ахборот сиёсати концепцияси»ни яратиш таклифи натижаси ўлароқ мамлакатимизда «ахборот сиёсати концепцияси»нинг лойиҳаси яратилди (Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 27 июлдаги 05-2698-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунларни янги таҳрирда ишлаб чиқиш, бу қонунларда «ахборот сиёсати» тушунчасига аниқ таъриф бериш, масъул давлат органларининг ваколат ва вазифаларни ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги Матбуот ва ахборот агентлигининг истикбол режаси киритилиб, агентлик фаолиятини такомиллаштиришда қўллаш белгилаб олинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмун-моҳияти 2 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган. **Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (улардан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Глобаллашув ва ахборот сиёсати муаммоларини тадқиқ этишнинг методологияси**» деб номланган биринчи бобида глобаллашув жараёни, унинг сиёсий муносабатларга таъсири ўрганилиб тегишли хулосалар берилди.

Бугунги кунда глобал тараққиёт ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда. Ушбу жараённинг таъсири сезилмаган бирор-бир соҳани топиш қийин. Чунки, бугунги давр йирик ўзгаришларини ўз ичига олиб, улар тез суръатда дунёнинг энг олис бурчагида ҳам акс-садо бермоқда. Бундай барча учун умумий бўлган тезкор омил глобаллашув номи билан аталмоқда. Ҳақиқатан ҳам жаҳон сиёсий майдонидаги муаммолар

умуминсониятга алоқадор жихатлар сифатида Ер курраси аъзолари зиммасига жуда катта масъулият юклаб, улар ўзаро бирлашиб, муаммоларнинг мақбул ечимини топишга интилоқдалар. Ўтган асрнинг олтишинчи йилларида илмий-оммабоп луғатларда глобаллашув атамаси пайдо бўлиб, ушбу тушунчага нисбатан турфа қарашлар ҳамда ушбу категория мазмун-моҳиятини ифодаловчи илмий тадқиқотлар вужудга кела бошлади. Натижада ижтимоий ҳаёт сиёсатшунослик, фалсафа, социология, маданиятшунослик фанлари олдига ҳам ушбу феноменни тадқиқ қилиш, жамиятнинг ижтимоий - сиёсий ва маданий соҳаларига таъсирини аниқлаб, ушбу жараённинг ижобий ёки салбий моҳиятини белгилаш вазифасини кўйди.

Глобаллашув жараёни ҳақида фикр билдирганда, унинг ижобий томонлари тўғрисидаги эътирофлар бўлгани каби салбий томонлари ҳақида ҳам фикрлар етарлича. Ушбу жараён ҳақидаги айрим илмий мақолаларда асримизнинг бошларида инсоният олдида энг муҳим ва долзарб саволлар: «Биз қайси томонга кетяпмиз? Олдинда бизни нималар кутмоқда? Инсоният яшаб қолиш имкониятларига эгами»? «Қаерга кетаяпсан?» деган саволлар юзага кела бошлаганлигини тез-тез такрорлаш одат сирасига кирмоқда.¹ Бундай тушунчалар глобал чақириқлар сифатида инсониятни огоҳлантириб, глобал тараққиётнинг аччиқ ҳақиқатларини ҳам талқин этмоқда. Ҳақиқатан ҳам, бундай чақириқлар локал муаммоларнинг тез муддатда глобал муаммоларга айланишининг шубҳасизлигини билдиради.

Бундан ташқари глобаллашувнинг демократлашув, ахборотлашув каби ходисалар билан боғлиқлигини ҳам таҳлил этиш муҳим. Жумладан, демократлашув жараёнида социумнинг элементлари иерархиясида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Ушбу иерархия қуйидагича структурага эга бўлади: шахс-жамият-давлат. Бунда давлат шахс ва жамият манфаатларини таъминловчи инструмент вазифасини ўтайди. Жаҳон сахнасида ўз нуфузига эга бўлишни истаган ҳар қандай давлат ушбу иерархияга амал қилиши лозим. Ахборотлашув жараёни ҳам шахс ривожига муҳим аҳамиятга эга. Бунда шахс ўзининг ахборотга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қондиради. Шунингдек, у ҳам ахборот ресурсига эга бўлади, ҳам дунёқарашини замонавий талаб даражасида шакллантиради. Аммо юқоридаги ижобий хусусиятларига қарамадан глобаллашув ходисаси учинчи дунёда негатив қабул қилинади. Жумладан, Д. Брутуснинг фикрича, глобаллашув «profits before people», яъни «фойда инсондан муҳим» тамойили асосида ҳаракат қилмоқда. Унинг баҳосига кўра, глобаллашувнинг тарқалиши билан ижтимоий ҳаётда инсон қадри йўқолди, пул ахлоқ устидан ҳукмронлик ўрнатди.² Профессор Мбеки глобаллашув жараёнини антидемократия мақсадидаги бизнес деб атайди. Унинг фикрича глобаллашув келиши билан бизнеснинг молиявий шаффофлиги тўлиқ йўқолди ва ойлик маошлар қисқарди. У ўзи билан Ғарб қулчилигининг янги шаклини олиб келди. Бундай

¹ Добренков В.И. Вызовы глобализации и перспективы человечества //Вестник Моск. Ун-та. Сер. 18. Социология и политология. 2004. №4. – С. 3; Чудновская И.Н. Коммуникативные стратегии на пороге XXI века //Вестник Моск. Ун-та. Сер. 18. Социология и политология. 2004. №4. – С. 172.

²Култыгин В. Незападные концепции глобализации. <http://www.perspektivy.info/print.php>

кулчиликнинг характерли хусусияти шундаки, унда «хўжайин» шахссизлашади.¹ Яна бир антиглобалист, Қоҳира университети профессори Аруи Мафеле глобаллашувни «Бутун дунё капиталистлари бирлашинг!» шиори остида рўй бераётганлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, глобаллашув табиий жараён эмас, балки у сиёсий бошқарилади.²

Глобаллашув жараёнига хос жиҳатлар - ахборот орқали таъсир кўрсатиш, ахборот хуружлари, гегемонликни даъво қилувчи давлатлар томонидан уюштирилаётган ғоявий-маданий экспансия, ўз маданияти ва маънавиятини моддий жиҳатдан таъминланган Ғарб ва ўз тараққиёти сари одимлаётган Шарқ халқлари турмуш тарзи орасидаги фарқларни зўр бериб, тарғиб қилиш ҳолларидир. Шу боис ҳам глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳати - инсон онги ва қалби учун кураш даври сифатида баҳоланмоқда.

Бугунги кунда кишиларга ахборот орқали таъсир кўрсатишга хизмат қилувчи воситалар стратегик устунликка эришиш воситаси бўлиб қолди. Эндиликда олимлар томонидан ахборот орқали таъсир деганда ахборот қуроли (аввалдан муайян мақсад сари йўналтирилган узатиладиган, қайта ишланадиган, яратиладиган ва қабул қилиб олинадиган ахборотни узатиш воситаси) воситасида инсонларнинг онги ва қалбига таъсир ўтказиш сифатида баҳоланмоқда.³ Зеро, ахборот орқали самарали таъсир кўрсатиш муайян мақсад тарғиби йўлида кишиларнинг феъл-атвори, ўзлиги, ахлоқи ва руҳиятига, жамиятдаги маънавий-руҳий муҳитга, жамоатчилик фикрининг ижобий ёки салбий томонга ривожланишига таъсир кўрсатишга қаратилган махсус ахборотларни яратиш ва тарқатиш каби фаолиятларни ўз ичига олади. Инсоният тарихий тараққиёти ахборот воситасида таъсир кўрсатишнинг турли самарали восита ва усулларининг вужудга келишига имконият яратди. Натижада ахборот омили етакчи ўринга чиқиши билан бир қаторда у ахборот қарама-қаршиликларини ҳам вужудга келтириб, ушбу соҳа ҳам айрим олимларнинг тадқиқот объекти сафидан ўрин олди. Шу сабаб ушбу бобда ахборот қарама-қаршиликлар соҳасини тадқиқ этиш, глобал ахборотлашув шароитида давлатнинг ахборот сиёсатида замонавий ёндашиш, ҳозирги даврда ривожланган мамлакатлар томонидан олиб борилаётган ахборот сиёсатини таҳлил этиш, тегишли хулосалар чиқариш ҳамда мамлакатимизда самарали ахборот сиёсатини амалга ошириш борасидаги масалалар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Давлатнинг ахборот сиёсати – миллий хавфсизликни таъминлаш омили**» деб номланиб, унда ахборот маконида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш зарурати ҳар қачонгидан ҳам муҳимлиги асосланади. Геосиёсий рақобат шароитида ахборот сиёсатида таъсир қилувчи омилар кўрсатиб берилади ҳамда, ахборот хавфсизлигини таъминлашда давлат ҳокимияти органларининг ўрни ва роли очиб берилган.

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. – Москва.: Горячая линия – телеком, 2003. – С. 194.

Маълумки, хавфсизликни таъминлаш миллий давлатчиликнинг асосларини мустаҳкамлашда зарур жиҳат бўлиб, жамиятнинг келажак тараққиёти бевосита ушбу омил билан белгиланади. Хусусан, бугунги глобаллашув шароитида ахборот омилининг етакчи ўринга чиқаётганлиги, ижтимоий-маданий ҳаётни ахборот омилисиз тасаввур этиб бўлмайдиган бир даврда давлатнинг бу борада олиб бораётган сиёсатини тадқиқ этиб, миллий тараққиёт таъминланишига хизмат қилувчи таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим. Бунда ахборот мақолида миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг объектив зарурати, бу - жамият тараққиёти ва фуқаролар бирлигини таъминлашда зарур омил эканлиги каби қарашларни илгари суриш бугунги куннинг асосий масалаларидан биридир. Бу борада, айниқса мамлакатимиз ва хорижда тадқиқот олиб бораётган олимларнинг концептуал қарашларига таяниш, ишнинг сиёсий аҳамиятини таъминлайди.

Бугунги глобаллашув шароити геосиёсий рақобатни ҳам вужудга келтириб, бу ахборот майдонида ўзининг яққол ифодасини топди. Бундай рақобатнинг ОАВ орқали авж олаётганлиги давлатнинг ахборот сиёсатига ҳам у ёки бу тарзда таъсир кўрсатиб, бу борада самарали фаолият олиб юритишини тақозо этмоқда. Ушбу жиҳат давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашда мақбул усул ва воситалардан фойдаланиш лозимлигини кўрсатиб, миллий давлатчилик ва жамиятнинг келажак тараққиёти бевосита ушбу омилга боғлиқлигини кўрсатади. Бундай фаолиятни таъминлашда давлат ҳокимияти органлари ўзига хос мавқе касб этиб, умумий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ушбу омилнинг ўрни шубҳасиз. Шу боис, давлатнинг ахборот сиёсатини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Глобаллашув шароитида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Чунки глобаллашув ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий хусусиятларга ҳам эга бўлиб, булар биринчи навбатда мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлувчи жиҳатлардир. Жамият аъзоларида бундай таҳдидларга қарши кучли иммунитет уйғотиш, воқеа-ҳодисаларга муносабат билдиришда демократик тафаккурга таяниш миллийликни сақлаб, асраб-авайлаб, ривожлантириш ва тарғиб этишнинг зарурий шарти бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси «Миллий хавфсизлик концепцияси»да ҳаётини муҳим миллий манфаатларнинг ташқи ва ички таҳдидлардан қафолатли ҳимояланганлик ҳолати Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг мазмунини ташкил этиб, унинг барқарор ривожланиши шарти сифатида баҳоланади.

Бугунги геосиёсий рақобат шароити жамиятда маънавий жараёнларга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилмоқда. Зеро, глобал тараққиётнинг асосида ахборотлашув этиб, бундай кенг қамровли информациялашув туфайли турли мазмундаги маълумотлар тарқалиш эҳтимоли мавжуд экан, ушбу масалага муайян эътибор қаратиш талаб этилади. Мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, «геосиёсат» ва «геосиёсий рақобат» тушунчаларининг моҳиятини очишга ҳаракат қиламиз. Маълумки, «геосиёсат» атамаси XIX асрнинг охирида швед олими Рудольф Челлен

томонидан Германиядаги фаолияти даврида немис олими Фридрих Ратцел асарлари таъсирида илмий муомалага киритилган. Геосиёсатни фан соҳаси сифатида ривожлантиришда инглиз олими Х.Маккиндернинг хизматлари катта бўлди. Инглиз олими О.Луглин фикрига кўра: «Геосиёсат – бу амалий ижтимоий-сиёсий фан соҳаси ва у халқаро ҳаёт, минтақавий ва глобал хавфсизлик масалаларини, давлатнинг дипломатик ва ташқи иқтисодий фаолиятини ҳудудий императивлар ва географик жойлашувга боғлаб туриб ўрганadi».¹ Америкалик сиёсатчи Збигнев Бжежинскийнинг фикрига кўра: «Мамлакатнинг халқаро мавқеини ёки унинг халқаро миқёсдаги таъсир доирасини белгиловчи бошқа омиллар ҳудуд омилига қараганда муҳимроқ бўлса-да, мамлакатнинг географик ўрни давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда хануз муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий қудрати нақадар катта бўлса, унинг ҳаётий муҳим геосиёсий манфаатлари, таъсири ва иштирок доираси радиуси ҳам шунча кенг бўлади».² Шу билан бир қаторда давлатнинг ахборот ишлаб чиқариш, уни аниқ ва муайян мақсадлар йўлида тарқата билиш санъати ҳам унинг геосиёсий манфаатларини белгиловчи омил сифатида майдонга чиқмоқда. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, давлатнинг геосиёсий манфаатлари доираси кенглиги ва устуворлиги унинг геосиёсий рақобатдаги устунлигини таъминлайди.

Ҳозирги даврда умумий барқарорликни таъминлашда ахборот хавфсизлиги омили етакчи ўринга чиқаётган экан, бу дунёнинг барча етакчи мамлакатлари ўз тараққиётида индустриал босқичдан инфор­мацион технологиялар ва ахборот ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш, уни манфаатли мақсадлар йўлида тарқата билиш маҳорати устунлик қиладиган индустриал-ахборот босқичига ўтиш даврига яқин турганини билдиради. Ушбу ўтиш даврининг тугалланиши асримизнинг биринчи ярмида рўй бериши кутилмоқда. Бироқ бугунги кунга келиб шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий-маданий фаолиятининг барча соҳалари ривожини ахборотга боғлиқ. Глобал ахборотлашув боис бугунги воқеликнинг шиддатли тус олаётганлиги табиий равишда ҳар қандай давлат олдида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласини кўймоқда.

Бу масала дунё миқёсида глобал жараёнларнинг ривожланиб бораётганлиги шароитида ўз­лиги, миллийлиги, давлатчилик анъаналарини сақлаб, ривожлантириб боришдан манфаатдор тараққийпарвар мамлакатлар орасида қизгин муҳокама қилинаётгани ҳам бежиз эмас. Бундай муҳокамаларда ахборотнинг жамият аъзолари маънавий тараққиётидаги ижобий ро­лини таъкидлаш билан бирга унинг жамият ахлоқий баркамоллигига салбий таъсири кузатилаётгани ҳам таъкидланмоқда. Инсоният учун бундай таҳдидли ҳолатлар кучаяётган шароитда зиёлилар билан бирга қаторда давлат ҳокимияти органлари олдида жамиятимиз

¹ Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Тошкент, 2005. – Б. 9.

² Brzezinski Z. The Grand Chessboard: American primacy and its geostrategic imperatives. Basic Books, New York, 1997. – P. 40.

аъзолари онги ва қалбида миллий хусусиятларга содиқлик ҳисларини ривожлантириш талаб этилиб, ушбу жиҳатлар мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий ўзликни ҳимоя қилиш, маданий ўзига хосликни асраш ва ахборот хуружларидан ҳимояланиш воситаси сифатида ҳам муҳим. Шундай экан, қонунчилигимизда оммавий маданиятни, зўравонликни тарғиб қилувчи субъектлардан ҳимояланишни белгилаб берадиган қонунчилик базасини такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш шароитида жамият аъзолари маънавиятини оширишда давлат ҳокимияти органлари олдида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш талаб этилади:

жамият аъзолари маънавияти бугунги ахборот хавфсизлигини таъминлаш шароитида кучли ғоявий иммунитет ривожини талаб этиб, жамиятнинг маданий-маънавий соҳалари учун масъул давлат ташкилотлари ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоғи лозим;

ғоявий-мафкуравий таҳдидлар мавжудлиги, шунингдек жамият аъзолари маънавий ривожига хизмат қилувчи ахборот танқислиги шароитида жамият аъзолари онгида ахборот вакууми пайдо бўлиш эҳтимоли юқори. Бунда давлат ҳокимияти органлари ОАВ орқали 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида белгилаб берилган давлат ахборот сиёсатининг мақсади, вазифалари ижросини таъминлаш муҳим;

бугунги глобал ахборотлашув шароитида жамиятнинг ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлаётганида, ушбу жиҳат давлат ҳокимияти органларининг доимий назоратида бўлиши лозим. Бу борада жамият аъзоларининг фаолиятида миллий давлатчиликни сақлаб, ривожлантириш анъаналарига содиқлик хусусиятларини ўстириш лозим;

демократик-ҳуқуқий давлат шароитида жамият аъзолари дунёнинг барча информацион оқимларидан ахборот олиш имконияти кенгайди. Бунда миллий маънавиятни юксалтирувчи ахборотлар билан бирга, маънавият тубанлашувига олиб келадиган ахборот оқимлари кириб келиш эҳтимоли ҳам кучаяди. Бундай шароитда давлат ҳокимияти органлари давлатга қаршли ва нодавлат ОАВ фаолиятида ғоявий иммунитетни ривожлантиришга хизмат қилувчи кўрсатув, эшиттириш ва мақолалар тарқалишини таъминлашлари шарт;

фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётган бугунги кунда аксарият давлат органларининг функцияси қуйи бошқарув органлари қўлига ўтади. Лекин, ўтиш даврининг айрим зиддиятлари ҳамда баъзи муаммолар мавжуд шароитда давлат ўзининг бош ислоҳотчилик мавқеидан келиб чиқиб, ҳокимият органлари ОАВ фаолиятини умуммақсад сари йўналтириши лозимки, бу жиҳат давлат ва фуқаролар ўртасидаги бирликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Юқорида таъкидланган жиҳатлар жамиятда умуммиллий тараққиётни таъминлашда ҳам муҳим омил бўлиб, давлат ҳокимияти органлари

фаолиятини фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга тўлиқ сафарбар этади.

Бобнинг умумий хулосаси сифатида мамлакатда миллий хавфсизликни таъминлашда давлатнинг умумфуқаровий манфаатларни ифодаловчи ахборот сиёсати муҳим ўрин тутаяди, деб айтиш мумкин. Айниқса, глобаллашувнинг шиддатли, миллий маданиятларга таъсир этиш имконияти янада кенгайиб бораётган, ушбу жиҳатлар аксарият ҳолатларда таҳдид сифатида намоён бўлаётган бугунги кунда, ахборот соҳасида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳаётий заруратга айланди. Миллий манфаатлар миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамловчи омил эканлиги ушбу бобнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида ахборот сиёсатининг устувор йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида ахборот сиёсатининг устувор йўналишлари тадқиқ қилиниб, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида олиб борилаётган ахборот сиёсатининг мақсадини белгилаш, шунингдек, глобал ахборотлашув шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифалари, тамойиллари ва йўналишлари тадқиқ этилади. Бунда давлатнинг ахборот сиёсати аниқ мақсадларга йўналтирилгани шахс, давлат ва жамият манфаатлари таъминланганлик даражаси устувор вазифа сифатида қаралади.

